

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КИШЛОК ВА СУВ
ХУЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

АГРОКИМЁ ВА ТУПРОҚШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ

ЕР КАДАСТРИ

(фанидан амалий машгулотлар учун услубий кулланма)

5340100-Иқтисодиёт (кишлоқ хўжалигида) бакалавр
йўналиши талабалари учун

Тошкент –2007 й.

Сизга тавсия этилаётган ушбу услубий кулланма Ер кадастри фанини урганишда, ер ресурсларидан фойдаланишда Ер кадастри фанининг аҳамияти, ерлар миқдорини ҳисобга олиш, ерларни унумдорлиги бўйича баҳолаш, шурланган ва сугориладиган ерлар ҳисоби, ер кадастри ҳужжатларини тугри тулдириш, юритиш ва ундан фойдаланиш учун мулжалланган бўлиб, кулланмадан фойдаланувчилар ҳар бир амалиёт ишини мустақил урганиш имкониятига эга бўлади.

Услубий кулланма кишлоқ хужалиги соҳасидаги мутахассисларга ҳамда Ер кадастри фани амалиётида фойдаланиш учун бакалавр ва магистрлар учун мулжалланган.

Тузувчи: биология фанлари номзоди
ассистент

Г.Ш.Раимбаева

Такризчилар: Агрокимё ва тупрокшунослик илмий
тадқиқот давлат институти биология
фанлари доктори, профессор

М.М.Ташкузиев

«УзДавЕрЛойиха» Ер кадастри шўъба
корхонаси бош муҳандиси, к.х.ф.н

А.А.Турсунов

Тошкент Давлат аграр университети Агрокимё ва тупрокшунослик кафедраси 2006 йил 4-май ойидаги №11-сонли баённомаси, Селекция, уруғчилик ва усимликларни химоя қилиш факультети укув-услубий комиссияси 2006 йил 17-майдаги №9-сонли баённомаси ҳамда университет укув –услубий кенгашининг 2006 йил 7-ноябрь №1-сонли баённома қарорлари билан тасдиқланган ва чоп этишга тавсия этилган.

« ЕР КАДАСТРИ»

фанидан амалий машгулотлар утказиш

Р Е Ж А С И

№	Мавзу номи	Соат
1.	Ер турларининг атамалари ва туркумлари	4
2.	Ер микдорининг хисобини олиб бориш	4
3.	Тупрок хариталаридан фойдаланиш	4
4.	Шурланган ерларнинг микдори ва сифатини хисобга олиш	6
5.	Сугориладиган ерларни руйхатга олиш тартиби	4
6.	Лалмикор ва яйлов ерларни руйхатга олиш тартиби	4
7.	Сугориладиган ерларни унумдорлиги буйича баҳолаш (бонитировка килиш) тартиби	6
8.	Ер кадастри китобини юритиш буйича курсатма	4
Жами:		36

Фойдаланилган адабиётлар

1. Б.В Горбунов, Г.М Конобеева «Узбекистоннинг лалмикор тупроклари ва унинг сифати бахоси». Тошкент, 1975 5,8,11-16 б.
2. А.М Давидов «Узбекистон Республикасида ер фондлари ва ундан фойдаланиш». Тошкент 1971. 20-25 бетлар.
3. Х.М Махсудов «Буз тупроқларнинг емирилиши ва уларнинг унумдорлигини ошириш йуллари». Тошкент 1981 6,20,22-28 бет.
4. Муассаса, ташкилот ва корхоналарда ер кадастри китобининг юритилиши буйича курсатма. Москва 1990.
5. Г.А.Толипов Ерни унумдорлигига караб баҳолаш. Т., 1973. к/х жур.
6. Г.А Толипов, Х.Г, Ж.М Максудов, И.А Ақромов «Узбекистон Республикаси Ер кадастри».Т.1994. 12-16, 51, 65, 85, 3,130,207.б
7. Узбекистонда давлат ва жамоа хужаликларининг шурланган ерларида сон ва сифатини ҳисобга олиш буйича қулланма. Тошкент 1981.11,18 б.
8. Узбекистонда сугориладиган ерларни қайта руйхатдан утказиш буйича қулланма. Тошкент 1984. 6, 10, 12, бет.
9. Узбекистонда яйлов ва лалмикор ерларни қайта руйхатдан утказиш буйича курсатма. Тошкент 1968. 3-5 бетлар.,
- 10.Узбекистон республикаси «Ер кодекси» ва «Давлат ер кадастри» тугрисидаги қонуни.1998 йил.
- 11.Узбекистон республикаси Ер ресурслари Давлат қумитаси. Тупрок хариталари ва ерларни баҳолаш ҳужжатларидан фойдаланиш. Тошкент 2000. 3, 5 бетлар.
- 12.Узбекистон республикаси Ер ресурслари Давлат қумитаси.Туп- рок хариталари ва ерларни баҳолаш ҳужжатлари.Т.2004 й. 9, 15, 19 бетлар.
- 13.Узбекистонда сугориладиган ерларни қайта руйхатдан утказиш буйича курсатма. Тошкент 2004. 5, 10, 11, бетлар.

ЕР ТУРЛАРИНИНГ АТАМАЛАРИ ВА ТУРКУМЛАРИ

- | | |
|----------------------------------|---|
| 1. Кишлок хужалик ер турлари | Кишлок хужалик махсулотларини етиштириш мақсадида узлуксиз фойдаланадиган ер турларидир. кишлок хужалик ер турларига: экин ерлар, буз ерлар, куп йиллик дарахтзорлар, пичанзор ва яйловлар киради. |
| 2. Экин ерлар | Кишлок хужалик экин турлари экилиб, узлуксиз фойдаланиладиган ерлар яъни буларга экилган куп йиллик утлар ва дам бериш учун колдирилган шудгор ерлар ҳам киради. Пичанзор ва яйловларни яхшилаш мақсадида хайдалиб, чорва учун экилган утлар ва дарахтлар орасида экилган майдонлар экин ерлар турига кирмайди. |
| 3. Куп йиллик дарахтзорлар | Сунъий равишда килинган мевали, куп йиллик дарахтзорлар, бутазорлар ёки утсимон куп йиллик усимликлар, махсулот берадиган доривор, техникавий дарахтзорлар киради.
Куп йиллик дарахтзорларга: боглар, узумзорлар, тутзорлар, мевали кучатзорлар киради. |
| 4. Боглар | Мева хосили олиш учун экилган куп йиллик дарахтзорлар. |
| 5. Узумзорлар | Узум олиш мақсадида экилган токзорлар. |
| 6. Мевазор | Куп йиллик маданий мевали кучатзорлар. |
| 7. Узум кучатзорлари (токзорлар) | Узум кучатлари-токларни етиштирадиган ер майдонлари. Бунга ток каламчаларини ажратиш ва новдаларни экиш жойлари, узум кучатлари-токларни пархиш килиш ерлари киради |
| 8. Плантация | Махсус техник. Доривор, мевали дарахтлар, манзарали гуллар ва гул кучатлари етиштирадиган ер майдонлари. Плантациялардан тут ва бошка турдаги кучатлар экиш учун фойдаланилади. |
| 9. Буз ерлар | Мунтазам экин экилиб келинган, бир йил ва ундан ортик даврда (куздан-кузгача) хайдалмаган ва фойдаланилмай колган ерлар. |
| 10. Пичанзорлар | Узлуксиз пичан уриб туриладиган кишлок хужалик ерлари. |

- | | |
|---|---|
| 11. Тубдан
яхшиланган
пичанзорлар | Купрок пичан уриб олиш мақсадида тубдан
яхшиланган пичанзорлар. |
| 12. Яйловлар | Кишлоқ хужалигида чорва молларини узлуксиз бокиш
учун фойдаланиладиган ерлар: пичан уриб олишда
фойдаланиладиган ерлар бунга кирмайди. |
| 13. Тубдан
яхшиланган
яйловлар | Чорва моллари истеъмол киладиган утларни бойитиш
мақсадида махсус ут уруглари сепилган ҳамда
саксовул ва бутазорлар ташкил килинган ер
майдонлари. |
| 14. Маданийлаш
тирилган
яйловлар | Зарурий маълум ишлов берилган, доимо угитланиб,
чорва моллари учун ут усиши яхшиланган ва вақти-
вақти билан чорва моллари бокиладиган
хайдаладиган яйловлар. |
| 15. Тог яйловлари | Тоглик ерларда жойлашган яйловлар. |
| 16. Чорва моллари
хайдаладиган
яйловлар | Хужалик марказидан узок муддатга (бутун мавсум
давомида) чорва моллари утлаш учун хайдаладиган
яйловлар. |
| 17. Сув билан
таъминланган
яйловлар | Мавжуд чорва молларини сув билан таъминлай
оладиган, сув манбаига эга булган яйловлар. Дарёлар,
куллар ва каналлар атрофида жойлашган яйловлар сув
билан таъминланган хисобланади. |
| 18. Урмон ер
майдонлари | Урмон дарахтлари билан копланган, шунингдек,
урмонга кушилмаган якка дарахтлар, жарликлар
атрофига экилган дарахтлар, киялик, баландлик, дарё
киргокларига, сув хавзалари атрофларида, кумликлар
ёнларида, урмон- бог ерлари, урмон кучатзорлари,
шунингдек, дарахтлари кесиб олинган урмон ерлари,
очик колган ерлар, сийраклашиб колган урмонлар,
ёгоч кесиш учун ажратилган ерлар ва ёнгиндан нобуд
булган (куйган) урмон дарахт кучатлари ерлари. |
| 19. Урмон билан
банд булган
ерлар | Дарахт бутазор (дарахтсимон) усимликлар билан
копланиб, 0,3 дан 1 микдорда туликликда экилган
урмон ер майдонлари (Давлат стандарти 17.5.1.05-80). |
| 20. Урмон
усимликлари | Сунъий равишда ташкил этилган урмон учун
мулжалланган дарахт кучатлари |
| 21. Таркок урмон
усимликлари | Сунъий равишда ташкил этилиб, урмон ер
майдонларига утказилмаган ерлар. |

- | | |
|---|--|
| 22. Урмон кучатзорлари | Урмон учун кучат етиштирадиган ер майдонлари. Урмон учун кучатзорлар: уругликдан олинадиган кучатзор, кучат экиш учун ер булимлари, бирламчи (бошлангич) кучат экиш ерлари, кукарган каламчалар ва каламча килиб экиладиган кучатзор булимларига булинади. |
| 23. Урмон минтакалари | Ерларни табиат нокулайликлари: шамол ва иклим нокулайликларидан асраш мақсадида катор-катор килиб экиладиган урмон дарахтзор ер майдонлари. |
| 24. Ихота дарахтзорлари | Алмашлаб экиш майдонларини шамолдан тусиш, сугориладиган ва куриштиш иншоотлари таъсирида тупрок эрозиясидан саклаш, кургокчиликдан ва бошқа табиий нокулайликлардан асраш мақсадида экиладиган урмон минтакалари. |
| 25. Богларни химоя килиш ихота дарахтзорлари | Бог, узумзор ва плантацияларини шамоллардан саклаш ва шу ернинг иклимини яхши асраш мақсадида утказилган урмон дарахтлари. |
| 26. кумликларни химоя кила-диган дарахтзорлар | кумликларни шамол эрозиясидан саклаш мақсадида экилган урмон дарахтлари. |
| 27. Боткоклик | Ер ости сувлари кутарилиши ҳамда ёгингарчилик натижасида тупрогининг устки катлами сернам булиб кетган ерлар боткоклик ҳисобланади. |
| 28. Жарликлар | Ер катламининг эрозия таъсирида ёмон жойлашганлиги ёки тупрок куйи катламларининг генетик ҳолати ва қия тесиклиги 1 метрдан кўп бўлган ерлар жарлик ҳисобланади. |

Саволлар

1. Кишлоқ хужалиги ер турларининг атамалари нечта?
2. Ер турларининг атамалари ва туркумлари нималардан иборат?

ЕР МИҚДОРИНИНГ ХИСОБИНИ ОЛИБ БОРИШ

1. Ер хисоботининг вазифаси. Халқ хужалигини ривожлантириш режасини тузишда, биринчи навбатда кишлок хужалиги ишлаб чиқариши ва унга булган эҳтиёжларини аниқлашда катта аҳамиятга эгадир.

Ер хисоботи натижасида ердан фойдаланиш масалаларини урганиб чиқиш ва улар олдига бир неча талаблар қуйиш, бирор аниқрок қарор қабул қилинганда хисобот маълумотларига асосланилади.

Кишлок хужалик маҳсулотининг ҳосилдорлиги оширилиши бир гектар ерга қамрок ҳаражат қилиб олинадиган маҳсулотни қупайтириш, иқтисодий жиҳатдан натижали фойда келтирадиган, илмий асосланган деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантиришда экин майдонларининг энг яхши тузилиши (структураси) белгиланади. кишлок хужалик маҳсулотлари етиштириш мумкин булган ҳамма ерлар кишлок хужалигида фойдаланишга киритилиши керак. Аммо ҳар бир ер майдонининг миқдорини, сифатини билмасдан туриб, агротехника ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларини белгилаб булмайди.

Ер хисоботи кишлок хужалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштиришда жуда катта аҳамиятга эга. Ҳаммадан аввал ер хисоботи жуда аниқ булиши керак. Бунинг учун ерларни тоифаларга: фермерлар уюшмаси ва фермер, давлат, деҳқон ва бошқа хужаликларга, ер турлари бўйича ҳайдаладиган ерлар, қуп йиллик дарахтзорлар, пичанзорлар, яйловлар ва бошқаларга бўлиб олиб бориш талаб қилинади.

Маълумки, республикамиз вилоятларининг табиий ва иқтисодий шароитлари хилма-хиллиги хисобга олиниб, кишлок хужалик маҳсулотларини давлат томонидан харид қилишда ер хисоботига қуйидаги талаблар қуйилди:

- хужаликнинг йирик шаҳар, саноат маркази ва қайта ишлаш қорхоналарига нисбатан жойлашиши;
- кишлок хужалигида фойдаланиладиган ер миқдорининг сифати ва табиий шароити;
- чорвачиликда иқтисодий фойда келтирадиган у ёки бу экин турларини танлаш;
- кишлок хужалигининг ихтисослаштирилиши.

Булардан ташқари ҳар қайси туман, вилоятларда асосий кишлок хужалик маҳсулотларининг ялпи манбаи хисобланиб, истеъмол молларининг ҳажми аниқланади. Хужаликлараро ва ички ер тузиш ишлари, ширкат хужаликларининг марказини белгилашда, ширкат хужаликларининг ишлаб чиқариш фермерларини аниқлашда ер хисоботи зиммасига маълум даражада

маъсулият юклатилади. Алмашлаб экишни ташкил килишда ер хисоботи алохида ахамиятга эгадир.

Ерни давлат ёки жамоат эхтиёжлари учун олиб боришида хужалик ерларининг микдори, сифати, ер турлари ва фойдаланиш даражаси, шу ер учун узлаштириладиган янги ернинг иктисодий хисоблари ер хисоботида асосланади. Булардан ташкари ер хисоботи ва киймати хакидаги маълумот ширкат ва фермер хужаликларидан ердан фойдаланганлиги учун олинадиган соликка асос булади.

Ер хисоботи хакида тушунча ва унинг мазмуни. Ер тугрисидаги хисобот хужалик хисоботининг бир туридир. Статистика, бухгалтер, тезкор агротехника хисоботлари билан халк хужалигида бир бутун хисоботни ташкил килади. Ер бошка ишлаб чикариш манбаларига нисбатан узига хос хусусиятларга эгадир. Ернинг мохияти хамма сохада бир хил ахамиятга эга эмас. Масалан, ишлаб чикариш саноатда, курилишда факат бир бушлик сифатида шаклланади. Инсоният ердан казилма бойликлар казиб олишда бир омбор сифатида фойдаланади.

Кишлок хужалиги ишлаб чикаришида ер бутунлай бошкача ахамиятга эга. Бунда ер дехкон учун иш куроли хисобланади хамда ишлаб чикаришнинг асосий воситаси вазифасини бажаради. Ер хисоботи давлат ва хужаликлар томонидан олиб борилади. Биринчи навбатда ер хисоботини олиб бориш тартиби ва унинг мазмуни конунийлаштирилади, шу билан бир каторда ер хисоботини тузиш ва уни назорат килиш тартиби белгиланади.

Ер хисоботи Республикамизда давлат тадбири хисобланади. Йил давомида бажарилган барча ер тузиш ишларининг натижалари жамланиб, тартибга солинади, хужаликлар томонидан ерлардан фойдаланиш ва бу ерларнинг улар уртасида таксимланиши ягона ер фондига кайд килинади.

Ер хисоботининг максоди, мазмуни, юритиш тартиби ва шакллари давлат томонидан белгиланади. Ер хисоботи хамма вилоятларда ягона тартибда олиб борилади.

Давлат ер фонди асосан фойдаланиш максадларига караб куйидаги туркумларга булинади:

- кишлок хужалик ерлари;
- ахоли яшайдиган жойларнинг ерлари (шахарлар, шахар туридаги кишлоклар ва кишлок ерлари);
- саноат, транспорт, алока, мудофаа ерлари ва бошка ерлар;
- табиатни мухофаза килиш, согломлаштириш, рекреацион ва тарих-маданият максадларига мулжалланган ерлар;
- урмон фонди ерлари;
- сув фонди ерлари;
- захира ерлар.

Ким фойдаланаётганидан катъий назар, ерларни ва улардан

фойдаланишни ҳисобга олишга раҳбарлик қилиш, шунингдек, ерлардан тугри фойдаланиш устидан назорат юритиш вазифаси Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хужалиғи вазирлиғига юклатилган.

Ер ҳисоботининг негизи, турлари ва усулларини тузишда бирон бир асосга риоя қилиниши керак. Бу асос энг аввало - ер ҳисоботининг бир хил усулда тузилишидир. Туман маъмурий ҳудудида ер ҳисоботиға олинган маълумотнинг ёзилган вақти, мазмуни узаро қелишилган бўлиши керак. Бу эса мавжуд ҳисобот маълумотларини бир-бири билан таққослаш имконини беради.

Ер ҳисоботида аниқлик ва ҳолислик ҳам аҳамиятга эга бўлмаган негизлардан биридир, яъни ҳисобга олинаётган жой аниқ акс эттирилиши керак. Бу эса шу жойнинг ҳолатини ва фойдаланиш ҳусусиятини қурсатади.

Давлат ва ҳисоботининг объекти ягона давлат ер фонди бўлганлиғи учун ер ҳисоботининг асосий негизларидан бири ҳамма ерларни тулик ҳисобга олишдан иборат.

Ерларнинг миқдори, ҳолати ва ер фондидан фойдаланиши ҳақидаги тулик ва аниқ маълумотлар ҳамма ерларни ҳисобга олишда тайёрланади. Бу ерлар қимматга берилганлиғи, уларни фойдаланилган ёки фойдаланилмаганлиғидан қатъий назар ҳужалиқлар ҳисобидаги ер тарқибида туради. Бу ўзгаришлар йил давомида ўзликсиз ҳисобга олиб борилиши талаб қилинади. Шундагина ер ҳисоботидаги маълумотлар ҳозирги замон талабига жавоб берадиган даражада бўлади.

Ер ҳисобининг асосларидан яна бири шундаки, у қурғазмали ва аниқ бўлиши керак. яъни берилган маълумот қизма ҳужжатларда қурсатилиши, бу ҳужжатлар эса сифатли бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодий жиҳатдан қам ҳаражат сарфлаб, қерақли маълумотларни олиш ҳам ер ҳисоботи асосларидан ҳисобланади. Бу борадаги раҳбарлик республика миқёсида марказлаштирилган тартибда ташқил этилсагина ер ҳисоботини ягона усулда олиб бориш мумкин.

Маълумки, республиқамизда ер ҳисоботини олиб бориш қишлоқ ва сув ҳужалиғи вазирлиғига юклатилган.

Ер ҳисоботи ҳажми ва мазмунига қараб икки турга бўлинади:

- бошланғич ҳисоб;
- қундалиқ ҳисоб.

Иққала ҳисоб тури бир-бири билан қамбарчас боғланган бўлиб, ягона ер фонди босқичлари ҳақида тушунча беради. Бошланғич ҳисобот ерларнинг ҳажми, сифати, ҳужалиқлар уртасида тақсимланиш ва улардан фойдаланиш ҳақида маълумот беради. Бунда махсус ҳисобот ҳужжатларига бирламчи натижалар ёзилади. Бошланғич ҳисобот, одатдагидек, расмга тушуриш, текшириш, режалаш ва майдонни ҳисоблашдан иборат. Шунинг учун бу ишларни малақали мутахассислар бажариши керак. Бошланғич ҳисобот

куйидаги боскичларга булинади:

- ишни тайёрлаш;
- дала ишлари;
- натижани расмийлаштириш.

Кундалик хисоботнинг асосий вазифаси, ерларнинг булинишидаги яъни таксимланишидаги узгаришларни ҳамда бошлангич хисоботда йул куйилган хатоларни хисобга олиб узгартиришлар киритишдир. Кундалик хисобот хужжатларига факат конуний узгаришлар ёзилиб, куйидаги экспликация* яъни ерларнинг турларини тушунтириб бериш асосида олиб борилади. Ер турларини тушунтириб бериш шаклида қайси вазирликка қарашли эканлиги, вилояти, тумани ва ердан фойдаланувчи фермерлар уюшмаси ёки фермер хужалигининг номи тулик ёзилиб, қайси йили ва қайси ойда тулдирилганлиги (1-январга бўлган ҳолати бўйича тулдирилади) ва тузувчи ҳамда мутахассиснинг исми, шарифи ёзилиб, имзоланади.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КИШЛОК ВА СУВ ХУЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

УРТА ЧИРЧИК ТУМАНИДАГИ

ЕРДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ ХУЖАЛИКЛАРНИНГ ЕР

Э К С П Л И К А Ц И Я С И

2006 ЙИЛ 1 Январ ҳолатига
/гектар хисобида/

ТУЗУВЧИ _____

БОШ /ЕТАКЧИ/ЕР ТУЗУВЧИ
МУТАХАССИС _____

Саволлар:

1. Ернинг хисобини олиш тартиби нимадан иборат?
2. Ернинг хисобини олиш вазифаси, мақсади ва усуллари ҳамда ернинг хисобини олишда қимлар қатнашади?

* Экспликация- лотин сүзидан олинган бўлиб, ер турларини тушунтириш маъносини беради.

ТУПРОК ХАРИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Хужаликларининг тупрок хариталари Ўзбекистон Республикасининг сугориладиган минтакалари учун 1:10000 нисбатда тузилади. Улардаги 1 см жойга 100 м, 1 см² жойга эса, бир гектар ер тугри келади. Тупрок харитаси хужаликларнинг шу нисбатдаги ер тузиш режасига чизилади. Бу режада аҳоли яшайдиган жойлар, сугориш каналлари, ариқлар ва дренаж тармоклари, сугориладиган далаларнинг чегаралари тасвирланган.

Кабул килинган умумий белгилар билан режада ҳар хил кишлок хужалик ер турлари курсатилган: сугориладиган ҳайдалма ерлар, лалмикор ҳайдалма ерлар, яйловлар, утлоқлар, ботқоқлар, куп йиллик дарахтлар, урмонлар, нокулай ерлар, дунгликлар, шагалли ва тошли ерлар ва хоказо.

Тупрокларнинг номи: тупрокнинг пайдо булишида асосий тупрок гуруҳларидан қайси тупрок типига тааллуқли эканлиги курсатилади. Булар - буз тупроклар, утлоқли тупроклар, тақирли тупроклар, шурхоқлар ва хоказо.

Тупрокларнинг номларида, шунингдек, уларнинг маданийлашганлик ҳолатлари ва сугориш даври ҳам берилади. Масалан, эскидан (қадимдан)сугориладиган, янгидан сугориладиган, янги узлаштирилган, қурик ерлар ва хоказо.

Механик таркиби: тупрокни ташкил қилувчи заррачаларнинг катта-кичиклигини тасвирлайди. Тупрокнинг таркибини ҳар хил катталиқдаги қумли ва лойли заррачалар ташкил қилади. Лойли заррачаларнинг катталиги 0,01 мм дан кичик, қумли заррачаларни эса 0,01 мм дан йирикроқ бўлган заррачалар ташкил қилади.

Тупрокдаги қумли ва лойли заррачалар тупрок микдорининг фоизини ташкил қилишига қараб: лойли,огир қумоқ,урта қумоқ ва енгил қумоқ, қумоқли ва қумли тупроклар деб аталади.

Тупроклар механик таркибининг тузилиши 1- Жадвал

Тупрокларнинг Механик таркиби	Заррачалар, %	Микдори
	Лойлида	Қумлида
1	2	3
Лойли	60 дан куп	40 дан кам
Огир қумоқли	45 дан 60 гача	55 дан 40 гача
Урта қумоқли	30 дан 45 гача	70 дан 55 гача
Енгил қумоқли	20 дан 30 гача	80 дан 70 гача
қумоқли	10 дан 20 гача	90 дан 80 гача
қумли	10 дан кам	90 дан куп

Хариталарнинг экспликациясида тупрокнинг механик таркиби хайдов катлами (0-30 см) га, илдиз озикланадиган чуқурлик (30-100 см)га ва тупрок таги грунтлари (100-200 см)га алохида курсатилган.

Шурланганлик даражаси: тупрокдаги усимлик усиш учун зарар булган, сувда эрувчан тузларнинг микдорини курсатади. Бу кишлок хужалик экинларининг хосилдорлигига кучли даражада таъсир курсатувчи мухим белгилардан биридир.

Тупрокнинг шурланиш даражаси унинг таркибидаги тузлар микдори ва сифатига караб ажартилади.

2-Жадвал.

Шурланиш Даражаси	Микдори, %	
	Хамма тузлар	Х л о р
Шурланмаган	0,3 дан кам	0,01 дан кам
Кучсиз шурланган	0,3 дан 1,0 гача	0,01 дан 0,04 гача
Шунингдек	0,03 дан кам	0,01 дан 0,04 гача
Уртача шурланган	0,1 дан 2,0 гача	0,01 дан 0,04 гача
Шунингдек	0,3 дан 1,0 гача	0,04 дан 0,1 гача
Кучли шурланган	0,2 дан 3,0 гача	0,04 дан 0,1 гача
Шунингдек	0,1 дан 2,0 гача	0,1 дан 0,3 гача
Шурхоқлар	3,0 дан куп	0,3 дан куп

Далаларнинг шурини ювишда тупрокнинг шурланганлик даражаси хисобга олинади.

Тупрокларнинг емирилиши(эрозияга учраганлиги):кор ва ёмгир хамда сугориш даврида сувларнинг таъсирида тупрокларнинг емирилиши кузда тутилади. Сувнинг таъсирида у ёки бу даражада тупрокнинг емирилиши ундаги гумусли (чириндили) катламининг кискариши, усимлик учун озука хисобланган моддалар камайиб кетишига олиб келади. Шунингдек, харитада эрозия натижасида ювилган тупроклар, яъни кияликлардан сув билан ювилиб, пастликда тупланиладиган тупроклар ажратилади. Бу тупрокларда гумусли (чиринди) катламининг профил буйича калинлиги гумус микдорининг жуда куплиги билан ажралиб туради ва шунингдек, азот, фосфор ва калий микдори жуда куп булади.

Эрозия таъсирида сув емириб, ювилган тупроклар мураккаб рельефли, хар хил нишабли ерларда булиб, сугоришда ва далаларни кайта ишлашда кийинчилик тугдиради.

Тупрокларнинг скелетлиги - тупрокларни кайта ишлашда кийинчилик тугдирадиган хар хил йирикликдаги скелетлар(шагал, чигир тошлар ва тошлар) аралашганлигини курсатади. Скелетли тупроклар купинча кам катламли булиб, асосан тошлоклардан, шагалли тошлардан ва тошлар аралашган катламлардан иборат булади. Бу тупроклар кучли сув утказувчан,

ер ости сувлари тез окиб чикиб кетадиган, сув сигимининг камлиги ва гумус, азот билан кам таъминланганлиги билан ажралиб туради.

Сув режимини макбул микдорда саклаш учун бу тупрокларни кам микдорда тез-тез сугориб туриш керак.

Ер ости сувларининг сатхи тупрокларнинг ер ости сувлари билан намланиш даражасини ва сувлардан усимликлар кай даражада фойдаланишини курсатади. Купинча курик тупроклар - буз тупроклар, такир тупроклар ва сур тусли кунгир тупроклар - ер ости сувлари чукур (5м-чукурда) жойлашган шароитда ривожланади.

Намланган тупроклар (утлоки ва буз утлоки) ер ости сувлари 1-3 м чукурликда жойлашганда ривожланади. Тупрокларнинг сув режимида сизот сувларининг жойлашиш сатхи вегетатив сугориш микдорлари ва вақтларини белгилашда ҳисобга олиниши керак. Юкорида номи курсатилган тупрокларнинг биридан иккинчисига утиш кисмида пайдо буладиган тупроклар (утлоки-буз, утлоки такир)нинг ер ости сувлари чуқурлиги 3-5 м да булади. Бу шароитда гузанинг ер ости сувларидан фойдаланиши чекланган ва у купинча грунтнинг механик таркибига ҳамда катламлиликка боглик булади.

Минерал угитлардан тугри фойдаланиш учун тупрок хариталарини ва агрокимё картограммаларини куллаш.

Республикамизда пахтадан ва бошка кишлок хужалиги экинларидан юкори хосил олишда дехкончилик маданиятини устириш ва минерал угитлардан кенг фойдаланиш ҳисобига булади.

Тупрок сугорилганда усимлик усиши ва ривожланиши учун сув режими буйича кулай шароит яратиш, сувнинг ва озука моддаларининг юкори ҳаракатчанлиги, тупрокнинг юкори биологик фаоллашиши ва иссиқлик тупланиши натижасида тупрок узидан катта биологик массани туплашга имконият яратади. Аммо тупрокнинг табиий имкониятларидан тулик фойдалана олмаслик мумкин, чунки тупрокда асосий озука элементлари етарли булмаслиги мумкин.

Тупрокда азотни узида ушлаб турувчи асосан тупрокнинг органик моддалари таркибига кирувчи гумус ёки чириндидир. Азотнинг минералли бирикмалари -нитратлар, яъни, азот кислотаси тузлари ва аммиак гумус умумий микдорининг 1-2 % ни ташкил килади. Булар органик моддаларнинг чиришидан хосил булади ва усимликларда яхши узлаштирилади.

Чиринди асосан усимликларнинг колдикларидан иборат булиб, органик кислоталар ва бошка бирикмалар ҳолатида углероддан ташкил топган. Бундан ташқари, усимликлар колдиклари кийин узлаштириладиган - азот, фосфор ва калий бирикмаларидан иборат булиб, органик моддаларнинг чириши натижасида усимликлар узлаштирадиган минерал ҳолатларга утади.

Ўзбекистоннинг пахта экадиган туманларининг тупроклари

таркибидаги гумус ва азот миқдорига қараб ҳар хил бўлади. Дашт минтақасидаги тупроқлар таркибида 0,5-0,8% гумус ва 0,04-0,08% азот бўлиб, улар озуқа моддаларга камбағалдир. Бу бирикмаларга оч тусли, айникса, типик буз тупроқлар бойроқдир. Гумус ва азотга энг бой тупроқлар - бу гидроморф тупроқлар, яъни утлоки ва боткок- утлоки тупроқлардир. Уларда гумус 1,5 дан 2,5% гача, айрим жойларда 8% гача, азот эса 0,1-0,2, камдан - кам 0,4% гача бўлиги кузатилади. Минерал уғитлар билан олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатадики, дашт тупроқлари азотли уғитларни ишлатганда яхши натижадор бўлиб, кейинги уринни оч тусли буз тупроқлар ва типик буз тупроқлар эгаллайди.

Тупроқнинг фосфор билан таъминланганлиги бўйича картограммаларда қуйидаги ажратишлар қабул қилинган (мг/кг, тупроқда ҳаракатчан фосфор):

Жуда паст - 0-15
Паст - 16-30
Уртача - 31-45
Юқори - 45-60
Жуда юқори- 60 дан кўп

Картограммаларда майдонлар фосфорнинг миқдорига қараб шунга мос равишда ранг билан бўяб қўйилади, яъни, оч яшил рангда жуда паст таъминланган, тўқ кўк ранггача юқори таъминланган.

Ҳосил етиштиришда азот ва фосфор билан бир қаторда калийнинг ҳам аҳамияти катта. Ўзбекистондаги сугориладиган ерларнинг кўп қисми калийга бой: унинг миқдори 2-2,5% K_2O . Ялпи калий миқдорининг кўплиги ва таркибидаги калийли минераллар тўтган моддаларнинг кучли чириши натижасида усимлик ўзлаштирадиган ҳаракатчан калий тупроқ таркибида жуда кўпдир.

Тупроқ таркибидаги калий миқдорини кўрсатувчи агрохимё картограммаларида бу элементлар билан таъминланганликни қуйидагича ажратиш қабул қилинган (тупроқда ҳаракатчан K_2O нинг миқдори мг/кг-да):

Жуда паст -100 гача
Паст - 101-200
Уртача - 201-400
Жуда юқори - 401-дан кўп.

Картограммада тупроқдаги калий миқдорининг ҳар хиллиги штрих чизиклар билан белгиланади.

Фермерлар уюшмаси ва фермер хўжаликларида режалар тузилади. Бунда қуйидаги ҳужжатлар қўлланма бўлиб хизмат қилади:

- хўжаликнинг тупроқ ҳаритаси;
- агрохимё картограммалар;
- кишлок хўжалик экинларига минерал уғитларни қўллаш бўйича

тавсиянома.

Хар кайси дала учун ёки бир -бирига ухшаш далалар гурухи учун гузага солинадиган уғитларнинг йиллик миқдорини аниқлашда тупрокнинг хусусиятларини (тупрок иқлим минтақаси, тупрок типлари, унинг маданийлаштирилганлиги), агротехник турлари (экиладиган экинларнинг хиллари), режалаштирилган ҳосилдорликнинг катталигини ҳисобга олиш зарур. Юқорида айтиб утилганларни ҳисобга олиб, минерал уғитларни солиш бўйича кишлоқ ва сув ҳужалиги вазирлиги томонидан тавсиянома ишлаб чиқилган. Утқазилган тажрибалар шуни кўрсатдики, фосфорли ва калийли уғитлар солинганда бу элементларга камбағал бўлган (таъминланганлиги жуда паст ва паст даражада таъминланган) тупроқларда экинлар ҳосилдорлиги анча юқори бўлиши кўзатиш мумкин. Шуни ҳисобга олиб, қуйида солинган уғитларнинг миқдори белгиланади ва тақсимланади.

Бир йиллик миқдордаги уғитларни муддатлар бўйича тақсимлашда тупроқларнинг қуйидаги хусусиятларини ҳисобга олиш зарур: Азотли уғитлар- ер ости суви яқин бўлган ва ер ости сувининг сизиб оқиб чиқиб кетиши кучли бўлган тупроқларга ҳайдаш олдида берилмайди, механик таркиби енгил бўлган тупроқларга озиклантириш даврида оз-оздан бўлиб солинади.

Фосфор уғитларини ерга чуқур солиш керак. Қўп қисмини ер ҳайдалаётганда ёки баҳорги ҳайдашда, шурланган ерларда ювилганидан кейин солиш лозим.

Тупроқларнинг фосфор ва калий билан таъминланганлигини ҳисоблаб чиқиш коэффициенти

3-Ҳаҷвал

Таъминланган- лик Даражаси	Картограмма бўйича миқдори, тупроқда мг/кг		Тупроқларнинг таъминланганлик коэффициенти
	P_2O_5	K_2O	
Жуда паст	15 гача	100 гача	1,25
Паст	16-30	101-200	1,00
Уртача	31-45	201-300	0,75
Юқори	46-60	301-400	0,50
Жуда юқори	60 дан юқори	401 дан юқори	

Фосфор уғитларини ерга чуқур солиш керак. Қўп қисмини ер ҳайдалаётганда ёки баҳорги ҳайдашда, шурланган ерларда ювилганидан кейин солиш лозим.

Тупрок харитасининг мелиоратив тадбирлар ишлаб чиқишдаги аҳамияти.

Республикаимиздаги купгина туманларда тупрок мелиоратив ҳолатининг ёмонлиги унинг шурланиши билан боғлиқдир. Шурланиш ер ости сувлари табиий сизиб, оқиб чиқиб кетиши ёмон бўлган майдонларда дренажсиз сугориладиган деҳқончилик килинишининг натижасидир. Бу Ўзбекистондаги чул минтақасининг текислик туманларида кенг тарқалган бўлиб, унга қарши кураш сугориш учун узлаштириладиган янги ерлардаги асосий муаммолардан бири саналади, қадимдандан сугориладиган ерларда эса қишлоқ хужалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштиришда қатор муаммоларни келтириб чиқаради.

Шурланган ерлар бўйича мелиоратив тадбирлар утқизишнинг биринчи галдаги вазифалари қуйидагича бўлади:

1. Хар қайси хужаликнинг табиий ва ирригация - хужалик шароитини ҳисобга олиб, сувдан фойдаланиш тармоклари бўйича режали меъёрлаштириш республиканинг купгина ирригация тармоклари учун пахта ва беда устириладиган ҳудудларда бир йил давомида белгиланадиган сув миқдори 10-12 минг м³/га дан ошмаслиги зарур.

2. Сугориш техникасини яхшилаш, яна ҳам такомиллашган, меъёрида сугорилганда бир текис намланадиган ва сугориш карталарида сув оқиб чиқиб кетмаслиги учун эгатли сугориш усулини қўллаш керак. Сугориладиган жуяклар шундай олиними зарурки, қияликларда тупрок ювилиб кетмаслиги ва эгатнинг пастки қисмида ортиқча сув тупланмаслиги зарур. Рельефнинг хусусиятларини, тупрок қопланишини ва экинлар талабини ҳисобга олган ҳолда табақалашган сугориш режимини қўллаш ижобий аҳамиятга эга. Сугориш техникасини яхшилаш ва ер ости сувларининг озикланишини анчагина қамайтиради.

3. Тупрокнинг кесакли, говакли ҳолатини тиклаш ва унда намликни аниқлаш учун далаларни уз вақтида қайта ишлаш зарур.

4. Сугориладиган далалар(карталар) юзасини текислаш. Шурланган сугориладиган майдонлар купинча ёмон текисланган ва кам сув билан жуяк бўйлаб сугориш учун кам мослашган бўлади. Жуякли сугоришда ер яхши текисланган бўлиши зарур.

5. Сугориш тармокларида сувнинг ерга сингиб, исроф бўлишига қарши курашиш. Сувдан фойдаланиш бўйича тадбирларни тартибга солиш ҳамма ерда ҳам ер ости суви қутарилишининг олдини тулик ололмайди. Лекин, бу борада оз бўлсада фойда беради. Шунинг учун ҳам, айниқса, сувларни каналларда ерга сингиб, исроф бўлишга қарши курашиш зарур.

Тупрокнинг шурланиш жараёни ва шурланиш жадаллиги ер ости суви чуқурлигига ва унинг минераллашганлигига, тупрокнинг капилляр ҳоссаларига боғлиқ бўлади. Шурланган тупроқларда агротехник тадбирларни

утказишда кайта ишлов бериш, алмашлаб экиш, шурни ювиш ва вегетацион сугоришларга алохида ахамият бериш зарур.

Шурланган тупрокларни кузда чукур килиб хайдаш ёгинли киш шароитида тупрокнинг даврий шурсизланишига имкон яратади. Сугоришдан кейинги чукур /10-15 см/ культивация эса тупрок юзасидан парланишини анча камайтиради. Натижада сугоришдан сунг хосил буладиган шурланишнинг олди олинади. Лекин тупрокка кайта ишлов бериш факат кам шурланган тупрокларгагина фойда беради. Алмашлаб экишда кучли ривожланган беда ва экинларни яхшилаб сугориш уртача шурланган сугориладиган тупрокларнинг шурланиш тартибига кучли таъсир килади. Бу ер ости сувларини 50-100 см/га пасайтириб, ер юзасидан парланишини анча камайтиради ва тупрокнинг сув-физик хусусиятларини яхшилади. Натижада 2-3 йил ичида илдиз озикланадиган каватдан тузлар кайта таксимланиб, анча паст горизонтга тушиб кетади.

Сугориладиган тупрокларда беда алмашлаб экишни жорий килиш шурланиш режими бошқарувининг муҳим усулларида бири булиб, кам ва уртача шурланган сугориладиган тупроклар даврий шурланишини камайтиради ва тухтатади.

Саволлар:

1. Тупрок хариталари кандай масштабда тузилади?
2. Тупрок харитаси экспликациясида ва харитаграммаларида нималар курсатилган булади?

ШУРЛАНГАН ЕРЛАРНИНГ МИҚДОРИ ВА СИФАТИНИ ХИСОБГА ОЛИШ ТАРТИБИ

Шурланишни аниклашдан мақсад, сугориладиган ерларда шурланган ерларнинг контурларини ва майдонларини ажратишдир, чунки бу майдонларда шур ювиш ишларини бажариш лозим бўлади. Шурланишни аниклаш ишлари натижасида тузилган туз микдорининг картограммаси асосида шур ювиш меъёри ва муддати белгиланади.

Шурланишни аниклаш ишлари шурланган ва шурланишга учраган ерларда шурланганлик микдори ва унинг сифат баҳоси билан таъминлаш керак.

Шурланишни аниклаш учун 1:10000 нисбатда килинган тупрок харитаси, шу нисбатда килинган ер тузиш контурли режаси, август-сентябр ойларида олинган, шунингдек, аэропландан туриб ок-кора тасвирда суратга туширилган хужжатлар асос қилиб олинади. қишлоқ хужалик экинлари экиладиган тупрокларнинг шурланганлик даражасини аниклашнинг энг яхши дешифровка белгилари 0,70 дан 0,86 мкм тулкинида килинган инфрақизил спектордаги аэрофото суратларда қуринади.

Шурланган ерларнинг шурини аниклаш учун чуқурлиги бир метр бўлган уралар (скважиналар) қовланади ва 5% гача чуқурлиги икки метрли ёки ер ости суви сатҳигача бўлган уралар қовланади. 15-20 гектар ерга битта ура тугри келади.

Бу урмонлардан таҳлил қилиш учун намуналар олинади. Бир метрли ураларнинг 0-30, 30-70 ва 70-100 см қаватларидан 100-150 граммдан, икки метрли ураларнинг 0-30, 30-70, 70-100, 100-150, 150-200 см-ларидан намуналар олинади. Уралар эгатлар тепасидан қовланади.

Сульфат-хлоридли ва хлорид типда шурланган тупроклардан олинган намуналарда сувли сурим қисқартирилган ҳолда таҳлил қилинади. CO_3^- , HCO_3^- , Cl^- ва хлорид сульфатли типда шурланган тупрокларда эса HCO_3^- , Cl^- , SO_4^- , Ca^{KK} , Mg^{KK} , Na^{K} ва K^{K} лар таҳлил этилади.

Тупрокларнинг шурланганлик даражаси Cl^- ва Na^{K} - ионлар микдорига қараб аникланади. Шурланганлик даражаси қурсатгичлари қуйидаги - жадвалда келтирилган.

Шурланишни аниклаш ишлари ўқта даврдан иборат: тайёргарлик ишлари, дала ва тугаллаш (камераль) ишлари.

ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ

Бу даврда шурланишни аниклаш керак бўлган жой, дала, камерал, лаборатория ва картографик ишлар ҳажми аникланади, календарь иш режаси ва дастлабки лаборатория таҳлили дастури тузилади, адабиётлар ва

картографик маълумот берадиган хужжатлар йигилади.

Ишни бажарувчи мутахассисларга дешифровка килинадиган аэропландан 1:10000 нисбатда олинган суратлар, ердан фойдаланиш контурли режаси, тупрок хариталари берилади. Шурланиш картограммасини тузишда юкорида курсатиб утилган хужжатлардан фойдаланиш зарур, чунки булар бир-бирини тулдиради.

Шурланиш даражаси буйича контурларга ажратиш аэропландан олинган съёмкаларда бажарилади. Узгартириш ва тузатишлар киритилган ердан фойдаланиш режаси хужалик ерларининг аник майдонини ва ишлаб чикариш чегараларини аниклашда хизмат килади (булимлар, фермерлар, алмашлаб экиш далалари ва бошкалар).

Далада шурланган тупроклар шурини аниклаш учун куйидаги ишлар бажарилади:

- тупрок юзасидаги шурланганлик белгилари билан майдонлар буйича ва кишлок хужалик экинларининг ҳолати дешифровка килинганлиги билан умумий маршрут буйича танишиб чиқиш;
- ура ковлаш ва намуналар олиш йули билан шурланганлик даражасини далада урганиш;
- ҳар хил даражада шурланган контурларни дала контурлари билан таккослаб куриш ва ажратиш;
- хлорид-сульфат ва сульфатли шурланишга учраган тупрокларда намуналарнинг Cl^- ва SO_4^{--} -га сифатини AgNO_3 ва BaCl_2 эритмалари ёрдамида текшириб куриш дала тупрок хариталарини расмийлаштириш.

Асосий усул билан шурланганлик картограммаси тузиш зарурати тугилса, дала айланиб аниклаш пайтида асосий усул билан аникланадиган жойлар белгиланади ва миқдори аникланади.

Харитада ажратилиши зарур булган ҳар хил даражадаги шурланган контурларнинг камайтирилган аник сонини белгилашда куйидагиларга амал килиш зарур:

- чегаралари аник ва ранги ажралиб турганда - харитада 50 мм^2 ёки жойларида 0,5 га булади;
- чегараси аник булмаганда, харитада 400 мм^2 ёки жойларда 4,0 га булади.

Олинган намуналар куригилади, тахлил килиш учун буюртмалар тузилиб, лабораторияга жунатилади.

Дала ишлари куз ойларида (август-ноябрь) утказилади. Ер ости сувлари якин жойлашган булса, унинг чуқурлиги белгиланиб, 0,5 л хажмидаги шишаларга намуна олиниб, лабораторияга анализ килиш учун юборилади.

Махсус механизмлар оркали ковлаб, олинган тупрок намунаси маълум бир каватдан олинганлиги ёзиб куйилади ва яхшилаб

аралаштирилиб, халталарга уртача 100-150 граммдан солинади ва коғозга ёзилади.

Хар қайси қовланган ура рақамлар билан, бир метрлилари Х ҳарфи билан, икки метрлилари эса доирага олинган Х ҳарфи билан ҳаритада белгиланади.

Ёр ости суви олинган рақам тугри чизикли белги қуйилади.

Лаборатория анализларининг натижалари олингандан сунг улар текширилади ва тугри келмайдиганлари, нотугрилари ташлаб юборилади. 0-100 см қатламдаги тузларнинг уртача миқдори ҳисоблаб чиқазилади, икки метрли уралар учун эса, 0-100, 100-200 см қаватлар учун туз миқдори ҳисоблаб чиқазилади.

Айрим уралардаги туз ва ионлар миқдорининг уртача ҳисоб-қитоби ва бир хил шурланишга эга бўлган ура ва контурлар умумлаштирилади.

Анализлар ва умумлаштиришлар натижасига қура тупрокларнинг шурланиши бўйича далада қилинган ҳариталарга тузатишлар киритилади ва уларга тупрок ҳаритасидан, тупрокларнинг ҳар хил генезиси, механик таркиби бўйича контурлари утказилади.

Тугалланган охириги ҳаритада шурланиш даражасининг экспликациясидан ташқари шурларни ювиш меъёри ва неча марта ювиш кераклиги ҳақида тавсия ҳам берилади.

Ҳаритада шурланишнинг ажратилиши қуйидаги ранглар орқали курсатилади:

- шурланмаган , шури ювилган айримлари яшил рангда;
- қучсиз шурланган - сарик рангда;
- уртача шурланган - тук сарик рангда;
- қучли шурланган - қизил рангда;
- шурҳоклар - сийёҳ рангда.

Тавсиялар Ҳар хил даражада шурланган ва қимёвий таркибга эга бўлган, туз ювилиб қетиш коэффициентлари ҳисобга олинган ҳолда шур ювиш меъёрлари ва неча марта ювиш зарурлиги ҳақида тавсиялар. Хужалик ерининг мелиоратив ҳолати бўйича умумий фикрлар.

Тупрокнинг шурланганлик ҳаритаси ва унга ёзилган тушунтириш хати 3 нусхада тайёрланиб, 2 нусхаси хужаликка топширилади, бир нусхаси хужжатларни тайёрлаган ташкилотда қолади. Картограмма асосида шурланган ерлар майдонининг нисбати палетка ёки ҳар хил даражада шурланган ерлар майдони плани метрлар ёрдамида ҳисоблаб чиқилади.

Шур ювиш меъёрлари Нерозин формуласи бўйича аниқланади:

$$M_k (П-Т) = \frac{S}{K} - A - П$$

бу ерда: М- ювиш меъёри, м³/га,
21

П- тупрок кавати хисоблаб чикилган дала сув сигими, (тузларни эритиш учун кетадиган сув миқдори), м³/га;

Т- тупрокнинг шу каватидаги намлик миқдори м³/га, шур ювишдан олдин пахта экиладиган далаларда 50%, дала сув сигимидан, беда экилган ерларда 30%, дала сув сигимидан;

$\frac{S}{K}$ тузнинг миқдори, м³/га;

S - тупрокнинг ювиб чиказиш зарур булган, хисоблаб чиказилган каватидаги хлор миқдори, кг/га;

А- тупрокнинг шурини ювишдан экин экишгача булган даврда тушган ёгингарчилик миқдори, м³/га, П-шу даврда сувнинг бугланиб кетиши, м³/га.

Тупрокдаги ювиб чиказиладиган туз /хлор/ миқдори куйидагича хисоблаб чиказилади

$$S_k 100 \cdot h_d (Ч - Ч_1) \cdot 1000$$

бу ерда: S - ювиб чиказиш зарур булган тузнинг (хлор) миқдори, кг/га;

h - тупрокнинг хисобланган кавати, м;

d- тупрокнинг хажмий массаси, г/см³ т/м³/;

Ч ва Ч₁- дастлабки /ювишга кадар/ва ювилгандан сунг коладиган тузнинг миқдори, массасига нисбатан, % хисобида;

100- килограммни тоннага айлантириш купайтмаси.

Куп йиллик текширишлар натижасида асосланиб, шур ювишнинг муддатлари ва шур ювиш учун бериладиган сувларнинг миқдорлари шурланиш даражасига караб тупрокнинг механик таркибига ва тупрок аэрацияси каватининг грунтларига боғлиқ холда куйидаги тавсиялар белгиланади.

Шунингдек, шур ювиш учун бериладиган сув миқдорини В.Р.Волобуев формуласи ёрдамида ҳам хисоблаб чиказиш мумкин:

$$N_k 100 a l q \left(\frac{S_H}{S_o} \right)$$

бу ерда: N -шур ювиш меъёри, м³/га;

S_H - шурланишни аниклаш маълумотлари буйича шури ювиладиган каватдаги дастлабки туз миқдори;

S_o - зарарли булмаган туз миқдори;

100 a ld - тузнинг ювилиб чикиб кетиш коэффиценти.

Тузнинг ювилиб чикиб кетиш коэффиценти куйидаги жадвалда келтирилган.

Тупрокнинг шурланиш даражаси буйича таснифи
(Егоров ва Манашина буйича)

4- Жадвал

Тупрокларнинг Шурланиш даражаси буйича	Тузлар микдори			
	HCO_3^-	Cl^-	Нак	SO_4^{--}
Шурланмаган	<0,061	<0,01	<0,023	<0,08
Кучсиз шурланган	0,061	0,01	0,023	0,08
	0,122	0,035	0,046	0,17
Уртача шурланган	0,122	0,035	0,046	0,17
	0,244	0,070	0,092	0,4
Кучли шурланган	0,244	0,070	0,092	0,34
	0,488	0,140	0,184	0,86
Жуда кучли шурланган (шуршок)	0,488	0,140	0,184	0,86

Анионлар буйича шурланиш типи (Н.И.Базилевич, Е.И Панкова буйича).

1. Хлоридли $\text{Cl} : \text{SO}_4^{--} > 2,5$
2. Сульфат - хлоридли $\text{Cl}^- : \text{SO}_4^{--} 2,5-1,0$
3. Хлорид-сульфатли $\text{Cl}^- : \text{SO}_4^{--} 1,0-0,3$
4. Сульфатли $\text{Cl}^- : \text{SO}_4^{--} < 0,3$
5. Сульфатли (хлоридли) гидрокарбонатли $\text{HCO}_3^- : \text{Cl}^- > 1$;
6. $\text{HCO}_3^- : \text{SO}_4^{--} > 1$

Катионлар буйича шурланиш типи

1. Натрийли $\text{Na}^{\text{K}} : \text{Mg}^{\text{KK}} > 2$
2. Магний-натрийли $\text{Na}^{\text{K}} : \text{Mg}^{\text{KK}} 2-1$
3. Натрий-магнийли $\text{Na}^{\text{K}} : \text{Mg}^{\text{KK}} 1-0,5$
4. Магнийли $\text{Na}^{\text{K}} : \text{Mg}^{\text{KK}} < 0,5$

Саволлар:

1. Шурланган ерлар кандай аникланади?
2. Ерларнинг шурланишини аниклашда олиб бориладиган ишлар нечта даврдан иборат?

СУГОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИ РУЙХАТГА ОЛИШ ТАРТИБИ

1.Сугориладиган ерларни руйхатга олиш тартиби, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 1983 йил 17 майдаги 10/3/357-топширигига, кишлоқ ҳамда Сув хужалиги вазирликларининг 1983 йил 11 августдаги 426/1390-буйругига асосан утказилади. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 апрелдаги «Ер кодекси», «Фермер хужалиги тугрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг I-чакирик XI-XII сессияларида қабул қилинган «Ер кодекси» ва «Давлат ер кадастри» тугрисидаги қонуни, 1998 йил августдаги «Давлат ер кадастри тугрисида»ги қабул қилинган ҳужжатларда ерга эгалик қилиш ва ердан самарали фойдаланишнинг янги шакллари вужудга келди.

1.1. Фермерлар уюшмаси ва фермер хужаликлари ва бошқа кишлоқ хужалиги ҳамда урмон хужалиги давлат ташкилотлари, ҳамма қарам қорхона ва ташкилотлар, шунингдек, давлат ер захирасида жойлашган, муддатсиз, узок муддатли ва қиска муддатли фойдаланишда бўлган, сугориладиган ва лалмикор ерлар ҳам руйхатдан утказилади.

1.2. Ерларни руйхатга олиш бир вақтда утказиладиган тадбир бўлиб, бунда ҳар қайси хужалик бўйича қуйидагилар амалга оширилади:

- кишлоқ хужалик ер турларининг майдони тугрисида аниқ маълумотлар олиш ва уларни режа-харита асосида қурсатиш;
- тупроқ текширув ҳужжатлари асосида кишлоқ хужалик ер турларининг сифатига тавсиф бериш;
- Ер устини текислаш тадбирлари утказиш, коллектор, дренаж ва сугориш тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш зарур бўлган майдонларни аниқлаш ва бошқалар.

1.3. Фойдаланиладиган ҳар қайси ерни руйхатга олиш, вилоят сув хужалиги ишлаб чиқариш бошқармасидан асосий каналлар ва сугориш манбаларидан олинган маълумотлари бўйича утказилади.

1.4. Ерларни руйхатга олиш ишларини уларнинг натижаларини умумлаштириш ва тасдиқлаш бўйича вилоят ҳокимияти топширигига асосан туман ва вилоят ҳокимиятлари қошида комиссиялар ташкил қилинади.

1.5. Вилоятда тузилган комиссия таркибига қуйидагилар қиради:

- вилоят деҳқончилик-саноат уюшмасини бошлиғи (комиссия раиси);
- сув хужалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи;
- вилоят ҳокимияти ер тузиш бўлими ва вилоят статистика

бошкармаларининг бошликлари;

- «УзДавЕрЛойиха» илмий -текшириш институти директори ёки булим бошликлари.

Зарур ҳолларда комиссия таркибига бошқа ташкилотларнинг вакиллари ҳам киритилиши мумкин.

1.6.Хар қайси ҳужаликда асосий иш бажарувчи «УзДавЕрЛойиха» илмий-текшириш институти тузувчиси бўлиб, у ишни туман гидротехниги, ер тузиш мухандиси, ҳужалик раҳбарлари ва мутахассислари билан биргаликда бажаради.

1.7.Ерларни рўйхатга олиш нисбати 1:10000 бўлган режа-харита асосида амалга оширилади. Айрим ҳолларда лалмикор ерлар нисбати 1:25000 бўлган режа -харита асослари бўлмаса, бу иш режа-харита асосида рўйхатга олинади.

1.8.Айрим майдонлар учун режа-харита асослари бўлмаса, бу иш-режа харита янгидан тайёрланган ҳолда амалга оширилади.

2.Давлат ер захиралари ва давлат урмон фондлари режали асослар билан таъминланган бўлмаса, сугориладиган ерларни рўйхатга олиш оддий йул - кишлок ҳужалиги ер турларини жойида улчаш йули билан олиб борилади. Лалмикор яйлов қисман сугориладиган ерлар ҳам шу усулда рўйхатга олинади.

2.1.Сугориладиган ерларни рўйхатга олиш ишлари қуйидаги босқичда бажарилади:

- тайёргарлик ва ташкилий ишлар;
- дала ишлари;
- майдонларини аниқлаш ва қайдномаларини тулғазиш;
- расмийлаштириш ва ҳужжатларни қупайтириш;
- рўйхатга олиш натижаларини қуриб чиқиш.

2.2 Тайёргарлик ва ташкилий ишлар

2.2.1 Хар бир ҳужалик бўйича:

- ердан фойдаланиш режаси;
- майдон ҳисоблаш қайдномаси;
- тупрок текширув ҳужжатлари;
- ерни ҳисобга олувчи ер баланси;
- бошқа ер тузиш ҳужжатлари танлаб олинади.

2.2.2 Ердан фойдаланиш режаси таркибига:

- ҳужалик чегарасида содир бўлган узғаришларни утқазиш;
- сугориладиган минтақаларини ва уларнинг чегараларини, бу минтақалар ичидаги доим сугориладиган ерларнинг чегараларини, айна пайтнинг узида сув олинadиган асосий канал минтақасини қурсатиш қиради. Бу маълумотлар район сугориш тармоқлари бошқармаси ҳужжатлари асосида тайёрланади.

Кучиб юриб дехкончилик киладиган хужаликлар учун факат сугориладиган ерлар чегараси аникланади, лекин бу чегара ерлар режаси асосида эмас, балки умумий ирригация тармоклари буйича аникланади.

2.2.3. Бостириб сугориладиган ерлари булган хужаликларда режа асосларига бундай ерларнинг чегаралари туширилади. Лиман усулида сугориладиган мухандислик ва ярим мухандислик тармокларининг чегаралари лойиха хужжатлари асосида аникланади. Кейинчалик эса даладаги хакикий бостириб сугориладиган ерлар чегараларининг тугрилиги аникланади.

2.3. Дала ишлари.

2.3.1. Дала ишлари давомида сугориладиган майдонларининг тугрилиги аникланади ва барча узгаришлар режа асосларига туширилади.

Янги пайдо булган узгаришлар режа асосига кизил рангда киска килиб, чегараси йук булган сугориладиган жойлар, шунингдек, доимий сугориладиган ерлар чегараси сиёх рангда, каналларнинг бошланиш зонаси хаво ранг ва ахоли яшайдиган жойлар жигар рангда чизилади. кишлок хужалик ерларнинг турлари ва турли элементлар эса умумий кабул килинган шартли белгиларга мос холда чизилади.

2.3.2. кишлок хужалигида фойдаланиш ва сугорилиш учун ярокли, сугориш тармоклари (каналлар, лотоклар, трубапроводлар ва бошкалар)-га ва шу ерлар сугорилишини таъминловчи манбага эга булган ерлар сугориладиган ерлар хисобланади. Сугориладиган ерларга, шунингдек, уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сугориш тармокларини қайта қуриш зарур булган ерлар ҳам киради.

Янгидан фойдаланишига топширилган, яъни лойиха хужжатларига асосан мелиоратив қурилишлар утказилган ва давлат комиссияси ҳулосаси буйича хужаликка берилган ерлар ҳам сугориладиган ерлар саналади.

2.3.3. Ерларни руйхатга олишда доимий сугориладиган ва лиман усулида сугориладиган ерлар ажратилади.

Сугориладиган ерларга кишлок хужалик экинлари ва дарахтларни уз вақтида сугориш имкони булган (сув таъминотида боглик холда) ерлар киради. Марза олинган, дамба ва бошка гидротехник иншоотлар қурилиб, зарур сугориш сувини ушлаб қолиш ёки махсус қурилмалар ёрдами билан сугориш тармокларидан сув олиб, бостириб сугориладиган ерлар лиман усулида сугориладиган ерлар хисобланади.

2.3.4. Сугориладиган минтака чегарасида ҳамма ер турлари аникланади ва режа-харита асосидаги узгаришлар таказо этадиган ишлар амалга оширилади, ахоли яшайдиган пунктларнинг чегараси белгиланади, шунингдек, ахоли фойдаланаётган ҳайдалма ерлар ва сугориладиган бошка ер турлари ажратилади.

Томорка ерларида дала текшируви ишлари утказилмайди. Уларнинг

майдони илгаридан маълум булган маълумотлардан олинади(томорка ерларида улчов утказилади, маълумотлари аникланади).

2.4. Сугориладиган ерларни руйхатга олиш кайдномаси шу ерларнинг хар бир хужалик буйича тузилишига асосан ер турлари контурларига кура майдонни хисоблаш оркали олинади.

Агар олдин хисоблаб чиқарилган майдон узгармаган булса, унинг кайдномасидан фойдаланиб руйхатга олиш шакллари тулгазилади.

Бордию, хужалик майдонининг бир кисми ёки айрим булагиди тегишли узгаришлар булган булса, хисоблаш кайдномасига узгаришлар киритилмайди, бу узгаришлар руйхатга олиш шакллари тулгазишда курсатиб утилади.

2.4.1.Руйхатга олиш кайдномаси куйидагича тулдирилади:

Доимий (муддатсиз) фойдаланиладиган ерлар.

1.Каналдан доимий сугориладиган ерлар шу сугориш каналлари минтакасидаги хамма ер турлари контури ёзилади ва канал минтакаси буйича уларнинг жами берилади.

2.Каналдан доимий сугориладиган ерлар.

Доимий сугориладиган ерларнинг жами:

3.Канал минтакасидаги сугориш тармоклари булган сугориладиган ерлар.

4.Канал минтакасидаги лиман усулида сугориладиган ерлар.

5.Канал минтакасидаги сугориш тармоклари булган сугорилмайдиган ерлар.

Сугориш тармоклари булган сугорилмайдиган ерларнинг жами.

Сугориш тармоклари булган ерларнинг жами.

Каналдан сугориладиган ерлари булган узок муддат фойдаланишга борилган ерлар.

Бошка ердан фойдаланувчиларга беркитиб куйилган хужаликларнинг ерлари.

2.4.2.Лалмикор ва яйлов минтакаларининг ер турлари майдонларнинг контурлари буйича хисоботи кайдномасидан кабул килинади ва контурлар гурухи буйича ёзилади.

Сугориладиган ерларни руйхатга олиш кайдномаси гурух рахбари (отряд бошлиги) томонидан текширилади, уни тулдирган шахс ва хужалик рахбари томонидан имзо чекади.

2.4.3.Сугориладиган кишлок хужалик ерлари тупрогининг сифатини аниклаш ва кайдномани тулгазиш учун кушимча ишлар бажарилмайди, балки мавжуд тупрок-текширув хужжатларидан, шунингдек, ер турлари таркибини руйхатга олиш маълумотларидан фойдаланилади ва майдон хар кайси курсаткич буйича бошкатдан хисоблаб чиқазилади.

Шу билан бирга сугориладиган кишлок хужалик ерларининг

майдонлари умумиттифок ҳисоб-китоб гуруҳларига, шунингдек, механик таркиби, шурланиш даражаси ва эрозияга учраши бўйича ажратилади ва вилоят сув хужалиги ишлаб чиқариш бошкармаси маълумотларидан ҳамда мелиоратив хизмат курсатувчи тупрокшунос маслаҳатига кура ер сифатининг тавсифи, сугориш ва коллектор дренаж тармоқларининг дала текшируви маълумотлари асосида тулғазилади. Сифатини яхшилаш учун капитал ишлар амалга оширилиши зарур бўлган ерлар майдони аникланади ҳамда у ерларда сугориш тармоқларини реконструкция қилиш, қайта қуриш, ер участкаларининг устини капитал текислаш ва бошқа тадбирлар утқизиш зарур бўлади. Бу майдонлар доимий сугориладиган ерларни ажратиш билан бирга аникланади.

2.5.Хужжатларни расмийлаштириш ва қупайтириш.

2.5.1.Сугориладиган ерларни рўйхатга олиш натижалари ҳар бир хужалик бўйича 3 нусхада далолатнома тузиш орқали расмийлаштирилади. Далолатнома комиссия аъзолари, хужалик раҳбари ва бош агроном томонидан имзоланади.

2.5.2 Рўйхатга олиш хужжатлари ҳар қайси хужалик бўйича 3 нусхада қупайтирилади. Ҳар бир нусха қуйидаги хужжатлардан ташкил топган бўлади:

- қисқача тушунтириш хати;
- рўйхатга олиш далолатномаси иловалар билан;
- сугориладиган ерлар рўйхати қайдномаси;
- сифатини яхшилаш бўйича капитал ишлар амалга оширилиши зарур бўлган сугориладиган ерларнинг контурлар бўйича қайдномаси.

Такқослаш қайдномасида сугориладиган ерлар микдори ер баланси бўйича солиштирилганда ўзгаришлар сабаби тушунтирилади.

2.5.3. Хужаликлар бўйича сугориладиган ерларни рўйхатга олиш хужжатлари:

- хужаликка;
- туман агросаноат уюшмаси бошкармасига;
- туман сугориш тармоқлари бошкармасига;
- «ЎзДавЕрЛойиха» илмий -текшириш институтига (ҳақиқий нусха) топширилади.

2.5.4.Тумандаги ҳамма ердан фойдаланувчилар ихтиёридаги сугориладиган ерлар рўйхатга олинган, якуний ҳисобот тайёрланади. Бу ҳисобот 5 нусхада қупайтирилиб, қуйидаги ташкилотларга топширилади:

- туман агросаноат уюшмаси бошкармасига;
- туман сугориш тармоқлари бошкармасига;
- вилоят ер тузиш бошкармасига;
- Ўзбекистон қишлоқ ва сув хужалиги вазирлигининг ер тузиш ва ердан фойдаланиш бош бошкармасига;

- «УзДавЕрЛойиха»илмий-текшириш институтига.

2.5.5. Вилоят буйича якуний хисобот, нохиялар буйича якуний хисобот асосида тузилиб:

- вилоят ер тузиш бошкармасига;

- вилоят сув хужалиги ишлаб чиқариш бошкармасига;

- Ўзбекистон кишлок ва сув хужалиги вазирлигининг ер тузиш ва ердан фойдаланиш булимларига.

2.6.Руйхатга олиш натижаларини куриб чиқиш.

2.6.1. Сугориладиган ерларни руйхатга олишнинг якуни, туманлар буйича туман хокимияти ва вилоят хокимияти томонидан куриб чиқиб, қарор билан тасдиқланади.

Республика буйича эса кишлок ва сув хужалиги вазирлигида ер хисоботи билан бирга тасдиқланади.

Ўзбекистон республикаси

_____вилояти_____туманидаги

_____сугориладиган ерларни
(хужалик ёки фермер номи)
руйхатга олиш

К А Й Д Н О М А С И

кайдномани _____тузди

/лавозими, имзоси, фамилияси/

_____текширди

_____хужалик ёки фермер вакили

Саволлар:

1.Сугориладиган ерларни руйхатга олиш тартиби қандай?

2.Сугориладиган ерларни руйхатга олиш кайдномаси қандай тулдирилади?

3.кайдномани тулдиришда нималарга эътибор берилади?

Сугориладиган ерларни руйхатга олиш

5-жадвал

Кон тур №	Контур майдони	Хайдаладиган ерлар				Куп йиллик дарахтлар				Буз ерлар		Пизанзор-лар		Яйловлар		Томорка ерлар		Мелиоратив ерлар					
		Хаммаси	Доимий сугориладиган	Шартли сугориладиган ернинг	Лалми	Хаммаси	Боглар Ш.ж.сугориладиган	хаммаси	Ш.ж.сугорилади гани	Узумзорлар	Тутзор	Мевазорлар	Цитрус ва субтропик	кучат зорлар	хаммаси	доимий сугориладиган	Лалми, Яйловлар		хаммаси	х.ж.сугориш тармоклари билан	сугориладигани	хаммаси	Сугориш тармоклари билан

6-жадвал

Урмонлар		Урмон паласалар			Бутазор-лар	Боткок-лар	Сув остида		Йуллар	Иморат-лар кучалар, ховли-лар	кишлок хужа-Лигида фойдалан илмай-диган ерлар
Хаммаси	Сугори-ладиган тармок-лари билан	Хаммаси	Сугорили ш тармок-лари билан	Шулар-дан сугорила ди			Хаммаси	Шурлан-ган канал-лар ва коллек-тор дренаж-лар			

ЛАЛМИКОР ВА ЯЙЛОВ ЕРЛАРНИ РУЙХАТГА ОЛИШ ТАРТИБИ

1. Умумий коидалар

Лалмикор ва яйлов ерларни руйхатга олиш тартиби кишлок хужалиги Вазирлигининг 1966 йил 26 февралдаги «кишлок хужалик хисоботини яхшилаш ва руйхатга олиш тугрисида»ги буйругига ҳамда»1998 йил августдаги»Давлат ер кадастри» тугрисидаги конунига асосан амалга оширилади.

Лалмикор ва яйлов минтакаларидаги ҳамма муддатсиз ва узок муддатли кишлок хужалиги ишлаб чиқаришида фойдаланилаётган ширкат ва фермер хужаликлар ерлари, шунингдек, давлат захирасидаги ерлар, урмон ва бошқа кишлок хужалик ташкилотлари, корхоналар ва муассасалар фойдаланаётган ерлар руйхатга олинади.

Ердан фойдаланувчилар фойдаланаётган республика чегарасидан ташкаридаги яйлов ерлар текширилмайди, уларнинг майдони мавжуд маълумотлар буйича қабул қилинади.

Изох. қисқа муддат фойдаланиладиган ерлар асосий фойдаланиладиган ерлар таркибида руйхатга олинади.

Руйхатга олишдан асосий мақсад ҳар бир хужалик буйича:

- кишлок хужалик ерлари майдони ҳақида аниқ маълумотлар олиш ва уларни режа-картография асосларида қурсатиш;
- лалмикор минтакаларидаги тупрок-текширув ҳужжатлари асосида кишлок хужалик ерларининг сифатини тавсифлаш;
- геоботаник текшириш ҳужжатлари буйича пичанзор ва яйловларни тавсифлаш;

Ерларни руйхатга олиш ишлари, ер тузувчилар томонидан хужаликларда бажариладиган ер тузиш буйича текширувлар ва қайта текшириш ишлари билан биргаликда олиб борилади.

Руйхатга олиш маълумотлари ердан фойдаланувчилар ва ер турлари тақсимооти буйича ҳисобот тузишда асос қилиб олинади. Руйхатга олиш сунгида ҳисобот ёзилгунча ер турлари майдонининг узғариши мумкинлиги ҳисобга олиниб, руйхатга олиш маълумотларига жойлардаги ер тузиш хизмати ходимлари томонидан тузатишлар киритилади.

Руйхатга олиш ишларини бажариш ва умумлаштириш, уларнинг натижаларини тасдиқлаш учун туман комиссияси тузилади.

Туман комиссияси таркибига қуйидагилар киритилади:

- туман агросаноат уюшмаси бошқармаси бош агрономи ёки бошлиги (комиссия раиси);
- туман агросаноат уюшмаси бошқармасининг ер тузиш буйича катта муҳандиси;

- ер тузиш гурухининг бошлиги.

Бу ишларнинг асосий ижроچиси ер тузувчи ва тупрокшунос булиб, улар руйхатга олиш ишларини хужалик рахбарлари ва мутахассислар иштирокида бажарадилар.

Лалмикор ерлар минтакасидаги ерларни руйхатга олиш нисбати 1:25000 булган режа-картография асосларида, айрим ҳолларда «УзДавЕрЛойиха» институти руйхати билан нисбати 1:50000 режа-картография асосларида ишлашга рухсат этилади.

Яйлов зоналарида 1:50000 ва 1:100000 нисбатдаги режа-картография асосларида иш олиб борилади.

Лалмикор ва яйлов ерларни руйхатга олиш ишлари куйидаги боскичларда бажарилади:

- тайёргарлик ва ташкилий ишлар;
- далада текширув утказиш ишлари;
- руйхатга олинганан ерлар майдонини аниклаш ва кайдномаларини тулгазиш;
- хужжатларини расмийлаштириш ва руйхатга олиш натижаларини куриб чиқиш.

Тайёргарлик куриш ва ташкилий ишларни бажариш даврида:

- режа-картография асослари (ердан фойдаланиш режаси);
- контурлар буйича майдонларни хисоблаш кайдномаси;
- тупрок, геоботаник, гидрогеологик ва бошка текширув хужжатлари;
- ерларнинг 1 январгача килинган хисоботи;
- ерларнинг кайта таксимлангани буйича хужжатлар (ер баланси тузилгандан сунг амалга оширилган булса);

-ёгингарчилик билан таъминланган, ярим таъминланган лалми ерларнинг чегараси туширилган туман кишлок хужалик харитаси танлаб олинади.

Далада текшириш утказиш ишларини бажаришдан мақсад кишлок хужалик ерларининг турлари ва жойлашишини текшириш ҳамда режа-картографик асосларни жойларида хакикий натурага келтириш.

Бу ишлар табакалашган ҳолда куйидагича амалга оширилади:

- лалмикор ерлар минтакасидаги ҳамма майдонларда текширув утказилиб, режа-картографик асосларга тузатишлар киритилади;
- яйлов ерлар минтакада рекогносцировка йули билан ҳамма майдонларни режа-картографик асослар билан солиштирилиб курилади;

Изох. Хужалик ичида ер тузиш ишлари учун килинган янги агро-хужалик ва геоботаник текширув хужжатлари булса, дала текширув ишлари утказилмайди.

Далада текшириш ишлари утказиш даврида ер тузувчи куйидаги ишларни бажаради:

- режа-картография асосларини хакикий натура холига келтиради, яйлов

ва лалмикор ерлар, минтакалар чегарасини белгилайди;

- тупрокшунос билан биргаликда режа-картографик асосларга таъминланган лалмикор ерлар чегараси утказди;

- ахоли яшайдиган пунктларнинг аник чегараси, томорка ерлар ва хужалик ерларининг турлари буйича майдонларини режа-картография асослари нисбатиди курсатилишига мос килиб белгилайди;

- хамма кишлок хужалик ер турларини хамда сугориладиган айрим кичик ер майдонларини хам текшириб чикади.

Майдонларни аниклаш ва кайдномаларни тулгазиш

Дала текшируви ишларининг натижаси буйича куйидагилар тузилади:

- «лалмикор ва яйлов ерларни руйхатга олиш кайдномаси»;
- «лалмикор ерлар сифатининг тавсифи»;
- «яйлов ва пичанзор типининг тавсифи»;
- «руйхатга олиш натижалари ва ер баланси маълумотларини таккослаш кайдномаси»

«Лалмикор ва яйлов ерларни руйхатга олиш кайдномаси»ни тузиш учун:

- контурлар буйича хисоблаш кайдномаси;
- яйловлар типи ва кишлок хужалик ерлар;
- хужалик ичидаги ер тузиш ва махсус текшириш буйича утган йилларда тайёрланган хужжатлар керак.

Буз тупроклар пояси

(эрозияга учраганлик даражаси буйича)

1. Ювилмаган ва кам ювилган оч тусли буз тупроклар.
2. Ювилган оч тусли буз тупроклар.
3. Ювилган ва кам ювилган типик буз тупроклар.
4. Ювилган типик буз тупроклар.
5. Ювилмаган ва кам ювилган тук тусли буз тупроклар.
6. Ювилган тук тусли буз тупроклар.

Жигарранг тупроклар пояси

(эрозияга учраганлик даражаси буйича)

7. Ювилмаган ва кам ювилган жигарранг ва урмон кунгир тупроклар.
8. Ювилган жигарранг ва урмон кунгир тупроклар.

«Лалмикор ерлар сифатининг тавсифи»даги шамол эрозиясига учраганлиги устунини ёзиб тулдиришда вилоят тупрок эрозияси харитасидан фойдаланилади.

«Пичанзор ва яйловлар тавсифи» хар кайси хужаликка яйловлар типи

буйича тулдирилади. У мавжуд геоботаник текшириш хужжатлари асосида тулдирилади.

Хар кайси ердан фойдаланувчининг руйхатга олиш хужжатлари 3 нусхада купайтирилади. Хар кайси нусха иш (дело) сифатида тайёрланиб, куйидаги хужжатлардан ташкил топади.

1. Ернинг руйхатга олинганлик далолатномаси.
2. Ер баланси билан руйхатга олиш натижаларини таккослаш кайдномаси.
3. Лалмикор ерлар ва яйловларни руйхатга олиш кайдномаси.
4. Лалмикор ерлар сифатининг тавсифи.
5. Пичанзор ва яйловлар типининг тавсифи.

Ердан фойдаланиш режаси

Ерлардан фойдаланиш режасига янги пайдо булган ситуация элементлари чизилади. Йук булган ситуациялар учуриб ташланади (кизил, киска штрихлар билан), ёгингарчилик билан таъминланган лалмикор ерлар ва ахоли яшайдиган жойларнинг чегаралари курсатилади. Агар хужаликда сугориладиган ерлар булса, охирида улар массивлар холида ажратилиб сугориладиган минтака деб ёзиб куйилади.

Туман маъмурий чегарасида лалмикор ва яйлов ерларни руйхатга олиш ишлари тугагандан сунг туман буйича якуний хисоботга кискача тушунтириш хати илова килинади. Бу тушунтириш хатида лалмикор ерлар ва яйловлардан фойдаланишни яхшилаш учун сув ва шамол эрозиясига карши кураш тадбирларининг тавсифи ва хажми акс эттирилади.

Лалмикор ва яйлов ерларни руйхатга олиш ишларининг якуни туманлар буйича туман хокимиятига куриб чикиш ва тасдиклаш учун берилади. Агар бу ишлар хамма туманлар буйича тугалланмай, айрим туманлар буйича килинган булса хам туман хокимиятида куриб чикилади ва тасдикланади.

Саволлар:

1. Лалми ва яйлов ерларни руйхатга олиш тартиби қачон амалга оширилган?
2. Лалми ва яйлов ерларни руйхатга олишда бажариладиган боскичларни айтиб беринг?

Амалиёт № 7

СУГОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИ УНУМДОРЛИГИ БУЙИЧА БАХОЛАШ (БОНИТИРОВКА КИЛИШ) ТАРТИБИ

Тупрок унумдорлигини белгиловчи хусусиятларга қараб ерни сифат жихатидан аниқ баҳолаш усулларида бири - унинг унумдорлигини баҳолаш (бонитировка қилиш), яъни ерга энг муҳим агрономик хусусиятларига қура балл билан солиштирма баҳо қуйиш бўлиб, бу давлат ер кадастри ишида

мухим урин тутади.

Унумдорлик буйича баҳолаш тартибини такомиллаштириш, дала шароитида утказилган ва вегетацион тажрибалар натижасида олинган маълумотларни умумлаштириш асосида айрим пасайтириш коэффициентларига узгартиришлар киритиш зарур, натижада литология билан она жинслар генезиси янада узвийрок боғланади.

Унумдорлик буйича баҳолаш - агротехника ва дехкончиликни интенсивлашнинг уртача даражасида тупрок сифатига ҳамда унумдорлик хусусиятларига солиштирма баҳо бериш, демакдир. Бу иш тупрокнинг табиий ҳамда маданийлаштириш натижасида вужудга келган хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

Унумдорлик буйича баҳолаш муайян ердаги кишлок хужалиги экинларининг талаблари ҳисобга олинган ҳолда утказилади. Ўзбекистоннинг сугориладиган ерлари шароитида гузанинг талаблари ҳисобга олингани эътиборда тутилади.

Ерларни баҳолашда тупрокнинг асосий хусусиятлари ва табиий шароитлари: генетик аломатлари, сугорила бошланган даврнинг узок-яқинлиги, маданийлаштирилгани, агроиклим ресурслари билан таъминланганлиги, механик таркиби, тупрок ҳосил қиладиган жинслар генезиси, тупрок катламининг сизот сувлари утказувчанлиги, шурланиш даражаси, эрозияга учрагани, сертошлиги, гипслашгани ва хоказолар ҳисобга олинади.

Баҳолаш 100 балли шкала буйича утказилади. Энг яхши хусусиятларга эга булган ва энг юкори унум берилган тупрокларга 100 балл куйилади.

Генетик аломатлар, тупрок сугорила бошланганлигининг даври ва маданийлаштирилгани - барча сугориладиган ерларни баҳолашда умумий мезон булиб ҳисобланади.

Ерлар унумдорлиги буйича омиллар орасида иклим алоҳида урин тутади. Иссиқсевар усимлик булган гуза учун энг аҳамиятли агроиклим курсаткичларидан бири - ҳарорат ресурслари билан таъминланганлик ёки фойдали ҳарорат йигиндисининг 10°C дан юкори булишидир.

2450° - фойдали ҳароратнинг куйи нуктаси булиб, унда турли муддатларда пишиб етиладиган (эртапишар, уртапишар ва кечпишар) гуза навларининг барча гуруҳлари парвариш қилиниши мумкин.

Иклим коэффициентини ёки одатда биоиклим деб аталувчи коэффициент куйидаги формула буйича ҳисоблаб чиқарилади:

$$B_k = \frac{E_{\text{тф}}}{E_{\text{тб}}} \times 100$$

бунда $E_{\text{тф}}$ - ҳақиқатдан 10°C дан юкори булган фойдали ҳарорат йигиндиси. $E_{\text{тб}}$ - асосий фойдали ҳарорат йигиндиси (2450°).

100 балл - бирлик деб олинган холда ракамларни бешгача яхлитлаб, иклим коэффициентлари ҳисоблаб чиқарилади.

Сугориладиган деҳқончиликнинг турли районлари иклимини баҳолаш - шу районлар учун пишиб етилиш муддатларига кура гуза навларининг қайси гуруҳларга мос келишини, шунингдек, силос ёки дон учун мулжалланган оралик ёки такрорий экинларнинг мумкин бўлган биологик маҳсулдорлигини аниқлаш имкониятини беради.

Тупрок унумдорлигининг барча хусусиятлари учун энг муҳим омиллардан бири унинг механика таркибидир. Енгил ва урта кумокли тупроқлар энг яхши тупрок ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг сугориладиган ерларини унумдорлик бўйича баҳолаш шкаласи

7-жадвал

Тупроқлар	Тупрок бонитетининг баллари		
	Юкори маданий- Лашган	Урта маданий- Лашган	Кам маданий- лашган
1	2	3	4
Кадимдан сугорилиб келинаётган ерлардаги тупроқлар			
Буз	100	90	70
Утлоки-буз	100	80	60
Буз тупроқлар минтакасидаги утлоки	100	80	60
Такир	90	70	50
Утлоки-такир	100	80	60
Дашт минтакасидаги утлоки	100	80	60
Янгидан сугорила бошланган ерлардаги тупроқлар			
Оч тусли буз	100	80	60
Типик буз	100	80	60
Утлоки буз	90	70	50
Буз-утлоки	90	70	50
Буз тупроқлар минтакасидаги утлок	90	70	50
Буз тупроқлар минтакасидаги боткок-утлоки	90	70	50
Сур тусли кунгир	60	50	40
Сур тусли кунгир утлоки	60	65	50
Такир	80	60	50

Такир утлоки	90	70	50
Утлоки такир	80	60	50
Дашт минтакасидаги такир	90	70	50
Дашт минтакасидаги боткок-утлоки	90	60	40
Янги узлаштирилган ерлардаги тупроклар			
Оч тусли буз			50
Типик буз			50
Утлоки буз			50
Буз утлоки			50
Буз тупроклар минтакасидаги утлоки			50
Буз тупроклар минтакасидаги боткок-утлоки			40
Сур тусли кунгир			30
Сур тусли кунгир утлоки			40
Такир			50
Утлоки-такир			50
Такир-утлоки			50
Дашт минтакасидаги утлоки			50
Дашт минтакасидаги боткок-утлоки			40
Дашт кумлар			50
кумли утлоки			50

Е этб - асосий фойдали харорат йигиндиси (2450°).

100 балл - бирлик деб олинган холда ракамларни бешгача яхлитлаб, иклим коэффицентлари хисоблаб чикарилади.

Сугориладиган дехкончиликнинг турли районлари иклимини бахолаш - шу районлар учун пишиб етилиш муддатларига кура гуза навларининг кайси гурухларга мос келишини, шунингдек, силос ёки дон учун мулжалланган оралик ёки такрорий экинларнинг мумкин булган биологик махсулдорлигини аниклаш имкониятини беради.

Тупрок унумдорлигининг барча хусусиятлари учун энг мухим омиллардан бири унинг механика таркибидир. Енгил ва урта кумокли тупроклар энг яхши тупрок хисобланади.

Тупрокнинг механик таркиби ва скелетлиги (сертошлиги)га кура пасайтириш
коэффициентлари

8-жадвал

Механик										
Таркиби	Лёсс	Аллювиал	Пролювиал	Элювиал	Элювиал	Она жинслар	Аллювиал	Пролювиал	Элювиал	Она Жинслар
Соз тупроклар	0,90	0,85	0,80	0,70	0,80	0,70	0,85	0,85	0,70	0,70
Огир кумок тупроклар	0,90	0,85	0,85	0,75	0,85	0,75	0,90	0,85	0,80	0,75
Урта кумок тупроклар	1,00	0,95	0,95	0,85	0,95	0,80	0,95	0,95	0,80	0,75
Енгил кумок тупроклар	0,95	0,90	0,90	0,75	0,90	0,75	1,00	1,00	0,85	0,75
Кумок тупроклар	0,85	0,85	0,85	0,75	0,85	0,65	0,95	0,90	0,70	0,70
Кумлок тупроклар							0,90			0,50

Сугориладиган дехкончиликда тупрокни баҳолашда унинг шурланиш даражасини ва мелиоратив ҳолатини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Ернинг сизот сувлари утказувчанлиги ва қай даражада шурланганига қараб:

1. Шурланмаган ва иккинчи қайта шурланишга учрамаган ерлар. Бу гуруҳга сизот сувлари чучук бўлган ва икки метр чуқурликда жойлашган ерлар қиради.
2. Шури батамом йук бўлиб кетмайдиган ерлар. Бунга сизот сувлари чуқур жойлашган, шур бўлган ерлар қиради.
3. Тез эрувчан тузлар билан шурланган ерлар. Бу гуруҳга қирувчи ерлар шур ерларнинг асосий қисмини ташкил этади. Агар шур сизот сувлари юза жойлашган ва секин ҳаракат қилувчи бўлса, бундай ерлар шурланишда давом этаверади.
4. Карбонат-магний тузлари билан шурланган, зич гипс ва карбонатли катлами бўлган ерлар. Бу гуруҳга қирувчи тупроклар чучук гидрокарбонатли сизот сувлари юза жойлашган шароитда ривожланиб боради.

Сизот сувларнинг чикиб кетиш имконияти катта булган
ерларда тупрок бонитетини табакалаштириш

9-жадвал

Захи кочганлик даражаси	Бонитетга коэффициент
кумлок ва кумли (бир хил ёки катламли) тупроклар	0,90
50 см чуқурликда кумок тупрок булган тошлок тупроклар	0,80
30 см чуқурликда кумок тупрок булган тошлок тупроклар	0,70

Эрозияга учраш даражасига караб, тупрок бонитетини табакалаштириш

10-жадвал

Тупрокнинг ювилиш даражаси	Тупрок хосил килувчи жинслар	
	Лёсс	Проллювиаль-аллювиаль
Ювилмаган	1,0	1,0
Бироз ювилган	0,95	0,95
Уртача ювилган	0,8	0,75
Куп ювилган	0,7	0,60
Окизиб келтирилган тупроклар бироз тупланган	1,0	1,0
Окизиб келтирилган тупроклар куп тупланган	0,9	0,85

Лёсслардан (яъни, тоғ жинсларининг энг майда, лойка чанг ва кум зарраларидан ташкил топган соз тупроклардан) иборат булган ерларда тупрокнинг ювилиши натижасида унинг сифати нисбатан камрок пасаяди. Гипс ернинг мелиоратив ҳолатини ёмонлаштиради, тупрок унумдорлигини пасайтиради.

Саволлар:

1. Сугориладиган ерларнинг унумдорлигини баҳолашда давлат кадастрининг тутган урни нималардан иборат?
2. Ерларни баҳолаш шкаласи неча баллдан иборат?
3. Ерларни баҳолашда нималар ҳисобга олинади?

Сугориладиган дехкончилик районларида дефляция даражасига караб тупрок бонитетини табакалаштириш
11-жадвал

Ярим дашт минтакаси			Дашт минтакаси					
Кучсиз ва уртача даражада			Кучсиз ва уртача даражада			Кучли ва уртача даражада		
Тупроклар	Механик таркиби	Пасайтириш коэффициенти	Тупроклар	Механик таркиби	Пасайтириш коэффициенти	Тупроклар	Механик таркиби	Пасайтириш коэффициенти
Оч тусли	Енгил кумокли	0,9	Такир	Соз,огир кумок	0,90	такир	Енгил кумок	0,70
Буз тупроклар	кумлок			Урта кумок	0,80 0,80		кумлок	0,80
Типик буз	Енгил кумок	0,90	Сур-кунгир тусли тупроклар	огир кумокли	0,80	Сур кунгир тусли тупроклар	Енгил кумок, кумли	0,50
			Утлоки	Урта кумок	0,70	Сахро-кумли	кумли	0,30
			Аллювиал ва соз тупрок	Енгил кумок,	0,90	Утлоки соз	Енгил кумок	0,80
				кумлок	0,80	Боткок - утлоки	енгил кумок	0,80

ЕР КАДАСТРИ КИТОБИНИ ЮРИТИШ БУЙИЧА КУРСАТМА

Муассасалар, ташкилотлар, корхоналарнинг ер кадастри китоби уларга бириктирилган ернинг табиий, хужалик ва ҳуқуқ ҳолатлари тугрисида аниқ ва ишончли маълумотларни узида мужассамлаштирилган асосий ҳужжат ҳисобланади.

Ер кадастри китоби бешта булимдан иборат:

1. Ердан муддатли ва муддатсиз (узок муддатли ва киска муддатли) фойдаланиш ёзиб борилади, фойдаланиладиган умумий ер майдони, канча муддатга берилганлиги, шунингдек, ердан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари курсатилади.

2. Муассаса, ташкилотлар, корхоналарга бириктирилган ерларнинг ҳамма турлари ва алоҳида сугориладиган ерлар ҳисобга олинади.

3. Тупрок гуруҳлари буйича ернинг сифат тавсифи, пичанзор ва яйловларнинг маданий техник ҳолати, тупроқларнинг механик таркиби ва унинг унумдорлиги таъсир килувчи белгилар курсатилади.

4. Ерни баҳолаш курсатгичлари келтирилади.

5. Фермерлар уюшмаси ва фермер хужалиги аъзолари, ишчилар, хизматчилар ва бошқа фуқароларга, шунингдек, айрим туркумдаги хизматчиларга қабул қилинган тартиб буйича берилган томорка ерлар ҳисобга олинади.

Майдони икки гектардан ошмаган ерлардан фойдаланувчи муассаса, ташкилот ва корхоналарда ер турлари бўлмаса ер кадастри китоби факат биринчи булимдан иборат бўлади ва ер турлари таркиби изоҳда курсатилади.

Биринчи булимда ёзиш учун туртта қатор ажратилади.

Биринчи қаторда муддатсиз фойдаланиладиган ерлар ёзилади.

Иккинчи қаторда узок муддатга фойдаланиладиган ерлар ёзилади.

Учинчи қаторга киска муддатга (3 йилгача) фойдаланиладиган ерлар (агар биринчи фойдаланиш тартибида берилган бўлса) ёзилади.

Туртинчи қаторга муассаса, корхона ва ташкилотлар фойдаланаётган ерларнинг жами ёзилади.

Биринчи устунда ёзиш ишлари бажарилган муддат курсатилади.

Иккинчи устунда майдоннинг жойлашган урни (аҳоли яшайдиган жойнинг номи) курсатилади.

Агар ер майдонида бир нечта аҳоли яшайдиган жойлар бўлса, улардан энг каттаси ёки корхона учун ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлганининг исми ёзилади.

Учинчи устунда берилган ер майдонининг муддати ёзилади.

Туртинчи устунда жойнинг умумий майдони ёзилади.

Бешинчи устунда ердан фойдаланиш ҳукуки, ҳужжатларнинг номи ердан фойдаланиш ҳукуки бўйича давлат далолатномаси, ижроия кумита қарорлари ва бошқалар қайд этилади.

Фойдаланаётган ерлар ичидаги ҳамма ер турлари ҳисобга олинади. Ҳисобга олиш ердан фойдаланилаётган ҳақиқий ҳолат бўйича утказилади.

Иккинчи бўлим ҳар йили утган йиллар ҳисоботи маълумоти асосида ёки 1 январь ҳолати бўйича тулгазилади.

Шу маълумотлар асосида ҳар йили 1 январга ташкилотлар фойдаланаётган ерларда бўлган узғаришлар ҳақида ҳисобот тасдиқланган шакллар бўйича туман ҳокимиятига топширилади.

Ширкат ва фермер ҳужаликлари ер кадастри китобида ҳар йили ёзиб бориш учун олти қатор ажратиш зурур:

1. Муддатсиз фойдаланишда бўлган ерларнинг ҳамма майдони;
2. Узок муддатга фойдаланишга берилган ерлар майдони;
3. Қиска муддатга фойдаланишга берилган ерлар майдони;
4. Муддатсиз ва вақтинча фойдаланилаётган ерларнинг жами майдони;
5. Ҳужалик майдонида жойлашган аҳоли яшайдиган жойлар;
6. Санитария ҳимояси зонадаги ерлар, сув билан таъминлаш манбалари ерлари, кичик дарёларнинг сув ҳимояси зоналаридаги ерлар, электр, алоқа тармоқларига ажратилган ва бошқа ерлар ёзилади.

Ер турларини тавсифлаш бир хил бўлиши учун шу курсатманинг охирида атамалар ва уларни ҳисобга олиш учун аниқликлар киритилади.

А- «Ҳамма ерлар» жадвалини тулғизиш:

1-4 устунларда ҳайдаладиган ерлар ҳисобга олинади. Ҳайдаладиган ерларга иссиқхона ва парниклар майдони ҳам қиради. Парник ва иссиқхоналар майдони 4-устуннинг «шу жумладан» деган қаторига ёзилади. Қуп йиллик меваги дарахтлар майдони сифатида 5-устунга ёзилади.

5-11 - устунларда ҳамма қуп йиллик меваги дарахтлар билан бирга терраса қилиб экилган майдонлар ҳам қушилади.

9-11- устунларнинг бушига маҳаллий шароит бўйича алоҳида ҳисобга олиниши керак бўлган қуп йиллик дарахтлар майдони ёзилади. 12-устунда ҳамма буз ерлар; 13-19- устунларда ҳамма пичанзорлар; 14-устунда сугориладиган пичанзорлар; 15- устунда сувсиз пичанзорлар; 16-устунда ботқоклашган пичанзорлар; 17-устунда тубдан яхшиланган пичанзорлар; 18-устунда соф пичанзорлар; 19 - устунда механизация ишлови беришга яроқли пичанзорлар; 20-31 устунларда яйловлар; 21 устунда қурғокчил яйловлар, 22-устунда ботқоклашган яйловлар; 23-устунда тубдан яхшиланган ва маданийлашган яйловлар, 24- устунда соф яйловлар, 25-устунда тоғ яйловлари, 26- устунда чорва моллари қучиб қуриб боқиладиган яйловлар, 27-устунда эса қудуқлари бор яйловлар, 28-31 -устунларда мавсумий

фойдаланиладиган яйлов майдонлари.

32- устунда кишлок хужалик ер турлари, 33- устунда кишлок хужалигида интенсив фойдаланиладиган ер турлари, 34-40 устунларда томорка ерлари, 36- устунда «хайдаладиган ерлар» , 38- устунда томорка ерлардаги пичанзорлар ва яйловлар, 41-ва 42- устунларга оила сони ва ер майдони, 43-ва 44 устунларда ишчи ва хизматчилар учун ажратилган дала ховлилар ва оила сони курсатилади, 47-устунда мелиоратив курилиш ишлари бажарилаётган ер майдонлари.

Агар янги мелиоратив курилишлар сугорилмасдан фойдаланилаётган зоналарда килинаётган булса, 47-устунга каналлар, дренажлар, йулар, курилишлар билан банд булган ер майдонларига ёзилади, 48 -устунда унумдорлигини кайта тиклаш (биологик рекультивация), 49-58 - устунларда давлат урмон фондининг урмон майдонлари, 59-62 - устунларда давлат урмон фондига кирмайдиган буталар ва бутасимон дарахтлар эгаллаган майдонлар, 63-66 устунларда боткоклар хисобга олинади, 67-устунда торфларга кайта ишлов бераётган майдонлар, 68-73 устунларда табиий ва сунъий сув хавзалари эгаллаган майдонлар, 74-75 - устунларда бугулар бокиладиган яйловлар майдони, 76-устунда мол хайдаб утиладиган йулар майдони, 78-устунда жамият курилишлари билан банд булган ерлар, 79-устунда бузилган, хужалик киймати йуколган ерлар, 80-устунда фойдали казилмаларни кайта ишлаш, 83-устунда хамма фойдаланилмаётган ерлар хисобга олинади.

Б. Сугориладиган ерлар жадвалини тулгазиш

Сугориладиган ерларни хисобга олиш давлат ва ер фонди ягона хисоботининг таркибий кисмидир. Сугориладиган ерларни хисобга олишда ер турларини туркумларга булиш хамма ерларни хисобга олишдагидек сакланиб қолади

1 январгача далолатнома буйича қабул килинган сугориладиган ерлар кеч топширилганлиги сабабли экин экилмаган булса хам, қайси ер турига мулжалланганлигига қараб бу ерлар майдон сугориладиган ерлар номи билан хисобга олиниши зарур.

Сугориладиган ерларга яна мелиоратив ҳолати яхшиланиши зарур булган ва сугориш тармоклари реконструкция талаб қиладиган ерлар қиради. Бундай ерларни сугориш манбаи 75% дан кам булмаган, сув билан таъминлай оладиган ерлар булиши керак.

«Сугориладиган ерлар» жадвалида 4,6,10,22,27 ва 32-устунларнинг ҳар йили ёзиладиган олтинчи қаторида лиман усулида сугориладиган ерлар хисобга олинади.

Сугориш тармоклари булган ташландик ерлар булса, бу ерлар 53-устунда курсатилади.

Вактинчалик сугориш шахобчалари ва шоли экиш учун марзалар, шунингдек, дала ичидаги йуллар майдони сугориладиган ерлар майдонида сакланади.

Сугориладиган ерларда мелиоратив ишлар олиб борилаётган булса ҳам бу ерлар олдиниға ер турлари таркибида хисобланади, агар экин экилаётган булса, бу ерлар буз ерлар деб хисобланади.

Саволлар:

1. Хужалик ерларининг ер кадастри китоби нима учун керак?
2. Ер кадастри китобида ердан фойдаланиш муддатлари курсатиладими?
3. Хужалик ерларини хисобға олишда ер кадастри китоби кандай тулдирилади?